



КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА МАХСУС ВЕБ-САЙТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. (РФ МИСОЛИДА)

Низамова Зухра Арибжановна

Банк-молия академияси тингловчиси

(“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ) тел.93-574-92-91

Аннотация. Ушбу тезисда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда автоматлаштирилган тизимнинг тутган ўрни хусусида сўз юритилади. Ҳозирги кунда ҳар бир соҳани автоматлаштириш, рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар қандай турдаги корхонани молиявий ҳолатини маҳсус дастур ёрдамида таҳлил қилиб берилиши ҳам ташқи ва ички фойдаланувчиларга энг аввало корхонанинг иқтисодий ва молиявий жиҳатлари бўйича маълумотга эга бўлиш имконини беради. Шунингдек, ўтган даврга нисбатан корхона молиявий ҳолатида рўй берган ўзгаришларни кўриш ва улардан келиб чиқсан ҳолда корхона фаолияти қай даражада самарадор эканлигини аниқлаш ёки мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур маълумотларни қисқа фурсатларда олиш ва уларни таҳлил қилиш тизимини шакллантириш молиявий барқарорликни таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Молиявий ҳолатни баҳолаш, молиявий барқарорликни ошириш йўллари, корхона молиявий ҳолатини таҳлилида жаҳонда қўлланилаётган дастурлар, Testfirm.ru лойиҳаси.

Авваламбор, корхона молиявий ҳолатини қисқа фурсатда таҳлил қилишда қўлланиладиган маҳсус дастур хусусида айтиб ўтишдан олдин, молиявий ҳолатни баҳолаш тушунчасига жавоб олсак.

Молиявий ҳолатни баҳолаш - корхонадаги фаровон бўлмаган вазиятни аниқлашнинг тан олинган воситаси бўлиб, ташкилот иқтисодиётидаги мавжуд вазиятни ишончли баҳолаш молиявий таҳлил усуллари ёрдамида амалга оширилиши билан боғлиқ жараён.

Молиявий барқарорликни оширишнинг асосий усуллари ҳисобланган дебиторлик қарзларини таҳлил ва назорат қилиш, инвестиция қилинган маблағлар айланмасини тезлаштириш, инвестициларни шакллантириш манбаларини тўлдириш бўйича ҳаракатлар, таркибни оптималлаштириш ва заҳира даражасини оқилона камайтириш каби тадбирлардан иборат эканлиги хусусида аввал ҳам кўп бора таъкидланган.

Компаниянинг молиявий ҳолатини қандай текшириш мумкин?

Авваллари ва ҳозир ҳам кўпгина ташкилотлар томонидан ўз молиявий ҳолатини таҳлил қилиш кўп вақт талаб этади. Айниқса, бу жараён корхонанинг аввалги йиллардаги маълумотларини жамлаш билан боғлиқ. Лекин, 2018 йилга қадар ушбу жараёнларни амалга оширишда қулай, қисқа фурсатда, иқтисодий ва молиявий тарафдан корхона фаолияти ҳақида тўлиқ баҳо берувчи



автоматлаштирилган дастурлар деярли бўлмаган. Бу борада 2018 йилдан Россия Федерациясининг корхона молиявий ҳолатини ва иқтисодий самарадорлигини қисқи фурсатда таҳлил қилиб берувчи маҳсус веб-сайт ишлаб чиқилди. Ушбу веб сайт фақатгина Россия Федерациясидаги 2 миллиондан ортиқ корхоналарнинг Росстат ва Федерал солиқ хизматига тақдим этган маълумотлари асосида ҳисботларни топишга мўлжалланган. Россия ташкилотларининг молиявий ҳолатини қиёсий таҳлил қилиш лойиҳаси TestFirm.ru - молиявий таҳлил ва МХҲС ҳисботларини тайёрлаш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, шунингдек, Audit-it.ru бухгалтерия портали, валюталар ва омонатлар веб-сайти яратувчиси ҳисобланган Профсофт компанияси томонидан тақдим қилинган.

Лойиҳанинг мақсади - Россия ҳудудидаги корхоналарга ўзининг молиявий ҳолатини тармоқдаги ўртacha кўрсаткичларга ва умуман Россия Федерациясидаги корхоналарга нисбатан мониторинг қилиш имконини беришдан иборат. Лойиҳани ишлаб чиқувчилар Росстат ва Федерал солиқ хизматининг расмий маълумотларига асосланиб, корхоналарни баҳолашда субъектив ёндашувни минималлаштиришга ҳаракат қилинганини эътиборга олиш зарур.

Компаниянинг молиявий ҳолатини қисқа фурсатларда текшириш учун TestFirm.ru веб-сайтидан фойдаланиш тавсия этилган. Бунда фақатгина корхонанинг ИНН рақамини киритиш кифоя ва робот дарҳол қуйидаги операцияларни бажаради:

- Росстат ва Федерал солиқ хизматига маълумотларни тақдим этган 2 миллион фирма орасидан ҳисботларни топади;
- асосий молиявий кўрсаткичларни (ликвидлик, тўлов қобилияти ва бошқаларни) ҳисоблаб чиқади.

Биз саноат молиявий кўрсаткичларининг ноёб каталогини яратдик деб таъкидлайди ушбу лойиҳа муаллифлари. Каталог Росстат ва Федерал солиқ хизматига бухгалтерия ҳисботларини тақдим этган Россия Федерациясининг барча ташкилотларининг маълумотларини қайта ишлаш натижасида шаклланган. Россия иқтисодиёти турли тармоқларининг хусусиятлари ва ривожланишини таҳлил қилишни ва конкрет корхоналарнинг чуқур қиёсий молиявий таҳлилини амалга оширишдан ташқари қўлланмадан ўкув ва илмий мақсадларда фойдаланиш тавсия этилган. Қўлланмадаги молиявий кўрсаткичлар тармоқдаги иқтисодий фаолиятнинг расмий таснифи (ОКВЕД) бўйича ҳисобланади.

Қисқача айтганда Testfirm.ru - ташкилотнинг асосий молиявий кўрсаткичларини тармоқ ва миллий кўрсаткичлар билан таққослади.

Ушбу веб-сайт ташкилотнинг молиявий кўрсаткичлари сифатини баҳолайдиган чуқурроқ молиявий таҳлилнинг ўрнини боса олмайди, аммо бу компаниянинг бошқа шунга ўхшаш Россия корхоналари билан таққослаганда қандай кўринишда эканлигини тушунишга имкон беради.

Қуйидаги жадвалда Testfirm.ru веб-сайти орқали 2021-йил Россия Федерациясидаги барча корхоналар кесимида уларнинг молиявий таҳлил ҳолати келтирилган.



Молиявий кўрсаткичлар	2021 йилда РФдаги жами корхоналар
Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари	
<u>Молиявий</u> мустақиллик коэффициенти	0,34
<u>Молиявий</u> леверидж коэффициенти	0,74
<u>Жами</u> активлардаги айланма активлар улуши	1
Айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти	0,23
<u>Захираларни</u> қоплаш коэффициенти	0,71
<u>Инвестицияларни</u> қоплаш коэффициенти	0,5
<u>Ўз</u> айланма маблағларини компания капиталидаги улуши	0,99
Тўловга қобилятлилик кўрсаткичлари	
Жорий ликвидлик кўрсаткичлари	1,64
<u>Тез</u> ликвидлик коффициенти	1,16
<u>Абсолют</u> ликвид коэффициенти	0,16
Рентабеллик кўрсаткичлари	
Сотиш рентабеллиги	5,1%
ЕБИТ бўйича Сотиш рентабеллиги	4,3%
<u>Соф</u> фойда нормаси	2,8%
Фоизларни қоплаш коэффициенти	6,77
<u>Активларни</u> рентабеллиги	5,7%
<u>Хусусий</u> капитал рентабеллиги	28,3%
<u>Фонд қайтими</u>	14,86
Айланма кўрсаткичлар	
<u>Айланма</u> маблағларнинг айланиш тезлиги, (кун)	149




Захираларнинг айланиш тезлиги, (кун)	15
Дебитор қарздорликни айланиш, тезлиги, (кун)	63
Активлар айланмаси, (кун)	187

Шунингдек, ушбу лойиҳа ёрдамида РФдаги тармоқда фаолият юритаётган бошқа корхоналарнинг молиявий ҳолатини таққослаш мумкин. Қуидиа молиявий кўрсаткичлар таққосланган ҳолат келтирилган.

АО "РЖД Логистика" и АО "АВИАКОМПАНИЯ "РОССИЯ" нинг молиявий кўрсаткичларини таққослаш (*Федерал солиқ тизими маълумотлари асосида*)

1-расм



Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги каби веб-сайт дастурларини мамлакатимизда ишлаб чиқиши нафақат ички балки ташқи фойдаланувчиларга бир қанча қулайликлар яратади. Корхона молиявий ҳолатини тўлиқ равишда таҳлил қилиб берувчи маҳсус веб-сайтлар яратилиб, уларни миллий солиқ ва статистика тизимига интеграция қилиш орқали мамлакатимиздаги барча корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича маълумотга эга бўлишга имкон яратади. Шунингдек, уни мамлакатимиз шароитида қўллаш тармоқ корхоналари фаолиятини таққослаш, улардаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали самарадорликни янада ошириш, таҳлил жараёнларида талаб этиладиган вақт сарфини қисқартириш каби долзарб муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.